

**ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРДА БАЛИҚЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ
ЕТИШТИРИШДА СУВ РЕСУРСЛАРИ ВА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ**

Мухаммаджонова Мухлиса Қаҳрамон қизи
Тошкент Давлат аграр университети магистри

Аннотация. Мақолада республикамиз вилоятларида сунъий ҳавзаларда балиқ маҳсулотларини етишишида сув ресурслари ва геотермал энергиялардан фойдаланиши истиқболлари ҳақида сўз боради. Ер юзасидан 2-3 метр чуқурликдаги энергияни балиқ ҳавзаларидағи иқлим шароитни таъминлашида фойдаланиши учун технологик схема таклиф этилган. Таклиф этилган технология балиқ маҳсулотларини етишиши самарадорлигини ошириши ва таннарҳини камайтириши билан бирга, мамлакатимизнинг балиқ етишишида нокулай иқлимга эга ҳудудларида ҳам соҳани ривожлантиши имконини беради.

Калит сўзлар: Сув ресурслари, балиқ маҳсулотлари, муқобил энергия, геотермал энергия, балиқ турлари, сув ҳавзаси, сунъий совитии ва иситиш.

Кириш. Дунёда озиқ-овқат маҳсулотларини етишириш долзарб муаммодир. Xалқ хўжалиги ресурсларининг асосий қисми озиқ-овқат маҳсулотларини етишишига сарфланади. Балиқчилик соҳаси озиқ-овқат маҳсулотларини етишишида ўз ўрнига эга. Ўзбекистонда балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш, балиқ маҳсулотларини етишириш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 29.08.2020 йилдаги ПҚ-4816-сон қарори, “Балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги 13.01.2022 йилдаги ПҚ-83-сон қарорлари қабул қилинган.

Президент қарорларида йирик балиқчилик кластерларида балиқларни инкубация қилиш, ёпиқ сув айланма тизимида, қафаслар, бетон бассейнлар ва тупроқ ҳавзаларида интенсив усулда балиқ чавоқлари ва товар балиқ етишириш, табиий сув ҳавза ресурсларини аниқлаш ва мониторингини юритиш бўйича мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини таъминлаш, совук сув балиқларини етишириш тармоғини ривожлантиришга қаратилган илмий-амалий лойиҳаларни амалга ошириш вазифалари қўйилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш соҳа мутахассисларидан балиқ маҳсулотларини етишишида янги ғоя ва лойиҳаларни амалга ошириш талаб этилади.

Республикамизнинг жанубий вилоятларида сув тақчиллиги билан ажralиб туради. Ёз ойларида сув ҳавзаларининг исиб кетиши, қишида температуранинг

пасайиши балиқ маҳсулотлари етиштиришда сув ресурсларини ҳароратини мунтазам ростлаб туриш заруриятини юзага келтиради.

Маълумки, Ўзбекистон иқлими субконтентал бўлиб, ёзи иссиқ, қишида ҳарорат -20°C гача пасаяди. Бундай шароитда сув ҳавзаларини сунъий совитиш ва иситишга эҳтиёж туғилади. Бугунги кунда бу муаммо электр энергияси, иссиқлик энергияси хисобидан бажарилмоқда.

Муаммонинг ечими ва таҳлили. Дунёда глобаль энергия танқислиги юз берадиган бугунги кунда балиқчилик маҳсулотларини етиштиришда муқобил энергиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шундай энергиялардан бирин геотермаль иссиқлик энергияларидир.

Жаҳон банки геотермал энергиядан фойдаланишни ошириш мақсадида лийифалар ишлаб чиқмоқда. Унга кўра 2025 йилгача геотермал энергиялардан


Фойдаланиш 23% ошиб, биргина Индонезия мамлакатида 29 ГВт га етказилади. Бизнинг мамлакатимизда геотермал энергиядан фойдаланиш истиқболлари юқори.

Ш.Ботировнинг маълумотларига кўра, Амударё паст чукурликларида, Қизилкум чўли, Жанубий Оролбўйи, Чуст-Адрасман кенглигига катта геотермал энергия йиғилган.

Ернинг юза қисми иссиқлик аккумлятори сифатида ишлади. Асосий энергия манбаи сифатида қуёш радиацияси хисобланади. 3 метр ва ундан юқори чукурликда тупроқ температураси йил давомида қарайб ўзгармайди ва қишида $6-8^{\circ}\text{C}$ ва ёзда $10-12^{\circ}\text{C}$ ташкил этади.

Бу энергияни осонгина ер юзасига чиқаришимиз ва балиқчилик хўжаликларида бу энергиядан фойдаланиш эвазига маҳсулот таннархини камайтиришимиз, сифат ва миқдорини ошириш мумкин.

Шу мақсадда ишлаб чиқилган технологик жараён 1-расмда тасвирланган. Тизим сув ҳавзаси 1, сув фильтри 2, сув насоси 3, сув қувури 4, винтель 5 ва температура датчигидан ташкил топган.



1-расм. Геотермал энергиядан фойдаланиш учун балиқ ҳавзасининг схемаси:

1-сув ҳавзаси; 2-сув фильтри; 3-сув насоси; 4-сув қувури; 5-винтель; 6-температура датчиги.

Технологик жараён қўйидагича боради: сув ҳавзасига сув тўлдирилади. Атроф-муҳит температураси натижасида сув ҳарорати исиши ёки совиб кетиши мумкин. Маълум температурага ростланган температура датчиги сигнал бериши билан сув насоси ишга тушади ва сув ресурсларининг ер қаърида циркуляцияси бошланади. Сув температураси маълум меъёрга етиши билан сув насоси ишлашдан тўхтайди. Системага ўрнатилган сув фильтри сувни сув қувурига юборишдан олдин тозалайди. Бу сув қувурининг турли бирикмалар билан ифлосланишини олдини олади. Система шу тарзда узлуксиз ишлаши мумкин.

Хуноса. Таклиф этилган технология балиқ маҳсулотларини етиштири самарадорлигини ошириш ва таннарҳини камайтириш билан бирга , мамлакатимизнинг балиқ етиштиришда нокулай иқлимга эга худудларида ҳам соҳани ривожлантириш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР:

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 29.08.2020 йилдаги ПҚ-4816-сон қарори.

7. “Балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 13.01.2022 йилдаги ПҚ-83-сон қарори.

8. Геотермальная энергия. <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/results/2017/12/01/geothermal>

9. Ботиров Ш. Геотермальная энергетика в Узбекистане: рациональное и экономически выгодное решение. <https://uz.uz/ru/news/geotermalnaya-energetika-v-uzbekistane-ratsionalnoe-i-ekonomicheski-vgodnoe-reshenie>.

10. Закопанная труба в землю позволяет экономить на обогреве и охлаждении дома. [#:~:text=На%20глубине%20 около %203%20м, 10%20до%20%2B%2012°C.">eko.ua/en/novosti/zakopana-pid-zemliu-truba-dozvoliae-ekonomiti-na-konditsionuvanni-ta-opalenni-budinku](http://eko.ua/en/novosti/zakopana-pid-zemliu-truba-dozvoliae-ekonomiti-na-konditsionuvanni-ta-opalenni-budinku) #:~:text=На%20глубине%20 около %203%20м, 10%20до%20%2B%2012°C.

11. Экспедиция Федченко в Туркестан. Зоогеографические исследованияю. Антропологии и Этнографии.-М.1874-Т.11-С.1-63.